O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI QORAKO‘L TUMAN HOKIMINING QARORI

Qorako‘l t., Ulug‘bek ko‘chasi 35-uy

2022 - yil 5 - oktabr 415-2-37-Q/22 Qorako'l tuman hokimligi

Қабристонларда гўр қазиш ҳамда маросим хизматлари бўйича гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар тарифини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини хисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари”нинг 42-банди, 2011 йил 4-апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 8, 14-бандларига асосан, “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қоракўл тумани ободонлаштириш бошқармасининг 15.09.2022 йилдаги №89-сонли таклифи маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Қоракўл туманидаги қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдори қуйидагича этиб белгилансин:

14 ёшгача бўлган бир нафар бола учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи;

14 ёшдан катта бўлган бир нафар шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи.

3. Қоракўл туманидаги қабристонларда маросим хизматлари (масалан,

майитни кўтариб олиб келиш, қабрга қўйиш, кўмиш ва бошқалар) бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи (ҳар бир маросим хизмати учун алоҳида) этиб белгилансин.

4. Барча ишлаб турган қабристонларда дафн этиш учун жой (участка) бепул ажратилсин.

5. Қоракўл тумани ободонлаштириш бошқармаси:

қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти ҳамда маросим хизматлари бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдорига қатъий риоя этилишини;

ушбу маблағлар тегишли равишда гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун ишлатилишини;

мазкур пулли хизматлар тарифи миқдорини аҳолига етказилишини ва тўғри тушунтирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор “Қоракўл садоси” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига (QORAKO‘L.UZ) жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Қоракўл тумани ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари Р.Мухторов мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсин.

9. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Қоракўл тумани ҳокимининг 12.04.2011 йилдаги 215-сонли қарори ўз кучини йўқотсин.

10. Мазкур қарордан норози шахслар судга ёки юқори турувчи органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари С.Равшанов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х.Я.Тоҳиров**